

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 8-noyabr, shanba № 89-90 (15832)

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Хурматли дўстлар!
Авалло, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темирйўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.
Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби

ҳаётини зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.
Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодий-етимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиги темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.
Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим

бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Фарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.
Мамлакатимизда темир йўл

транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилиги ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта иш-

ларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.
Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган «Навойи—Учкудук—Нукус—Султон Увайстоғ» ва «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-саҳифада)

АУДИТОРИЯ — ЯНГИ СЕҲРИ МАЙДОН
11-бетга қаранг

Mushohada

Қалбга ишонч бўлса...

Бу дунёда тўрт мучаси соғ бўлиб, жисмоний ва маънавий томондан бардам-бақувват бўлиб яшаганга не етсин! Лекин ҳаётда кутилмаган тасодиф ёки бахтсизлик туфайли жисмоний ногирон бўлиб қолган одамлар ҳам йўқ эмас.

Уларнинг орасида ногиронлигига қарамай, ўз соҳасида улкан ютуқларга эришганлар ҳам кўп. Биз уларнинг қанча дарду алам, азоб-уқубатларни энгиб, умидсизликка тушмай, тинимсиз интилиб, ҳаётда ўз ўрнини топганлари ҳақида китоблар ўқиганмиз, фильмлар кўрганмиз. Бундай пайтда беихтиёр уларнинг иродасига қойил қоламиз. Бундай жасоратнинг манбаи нима экан, деб ўйга толамиз. Бизнингча, уларнинг қалбидаги умид ва ишонч ана шундай эзгу ишларга асос бўлади. Яъни уларнинг жисмида ногиронлик, жароҳат бўлгани билан қалби соғлом, ғайрат-шижоатга тўла. Энг муҳими ана шу.

(Давоми 3-саҳифада)

O'zbekiston — buyuk allomalar yurti

АБУ АЛИ ИБН СИНО МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Бухорода «Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси — башарият учун бебаҳо хазина» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари масъул ходимлари иштирок этди.
Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизациясига бебаҳо хисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳами-

яти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожидagi ўрни ва ролига муносиб баҳо берилгани алоҳида таъкидланди.
Президентимиз ўз маърузасида Бухорода туғилиб ўсган тиббиёт илмининг султони Ибн Синонинг жаҳон илм-фани, хусусан, медицина тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида таъкидлади. «Ислоҳ оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири» деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотишини қайд этди.

(Давоми 11-саҳифада)



САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК

«Туркистон» саройида 6 ноябрь куни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоасига табригини компания раиси О.Раматов ўқиб эшиттирди.
Тадбирда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон транспорт тизимини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳада кенг қўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар сони ва юк ташиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бу борада темир йўллар муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг катта қисми айнан ушбу тармоқ улушига тўғри келади. Катта ҳажмда юк ташиш имконияти, об-ҳаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз фаолият юритиши мазкур транспорт турининг асосий устунлик-

ларидандир.
Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган фармонида мувофиқ ташкил этилган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темир йўл тармоғини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун ушбу компания мамлакатимизда темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, улкан илмий ва моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари ҳамда катта халқаро ҳамкорлик тажрибасига эга энг йирик компания ҳисобланади. Нафақат янги магистрал ва вокзаллар бунёд этиш, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, балки электровозлар паркинни янгилаш, янги йўналишлар ташкил этиш ва бошқа вазифалар компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

(Давоми 2-саҳифада)

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ доволари орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги «Тошгузар—Бойсун—Кумқўрғон» янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «Мароқанд—Қарши» ва «Қарши—Термиз» темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металллар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдаланиш қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига ола-

диган «Ангрен—Поп» йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамқоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказиши, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркиннинг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг «Талго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электропоезди Ўзбекистоннинг гуруҳ-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатиде мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни «Тошкент—Самарқанд—Тошкент» йўналиши бўйи-

ча 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал кўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл ҳўжалиги, «Ўзтемирйўлйўловчи» очик акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлини маси ва «Ўзтемирйўлконтейнер» юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари

тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, «Ўзтемирйўлмаштамир» унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақи равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозлангани айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва муҳасиссларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама хур-

мат ва эътиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темирйўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтига касбуналар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темирйўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эътиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Навоий—Учқудуқ—Нукус—Султон Увайстоғ янги темир йўл линиясининг қурилиши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан биридир. Ушбу янги линиянинг ишга туширилиши нафақат табиий бой минерал захиралардан фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ҳудудини айланиб ўтадиган транспорт харажатларини камайтириш, балки фуқароларимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Амударёда маҳобатли кўприкнинг бунёд этилиши эса мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришда, айниқса, муҳим лойиҳа бўлди. Ушбу улкан муҳандислик иншооти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини, хусусан, пойтахтимиз билан боғлаб, ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Узунлиги қарийб 700 метр бўлган ушбу кўприк Урганч-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳаракати вақтини 5,5 соат, масофани 300 километрга қисқартирди.

Компания йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига «Шарк» ҳамда «Насаф» тезюрар поездлари қатновини йўлга қўйди. Бундан ташқари, 11 янги вокзал бунёд этилиб, 7 темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Замонавий техникалар билан таъминланган бу вокзаллар йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қатнаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поезди мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш

сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз локомотив ҳўжалигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Катта ҳажмдаги юкларни кам маблағ сарфлаган ҳолда ташиш имконини берадиган янги юк электровозлари харид қилинди. Жумладан, сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташиш тепловозлари сотиб олинди.

Шу билан бирга, вагонлар парки ҳам сезиларли даражада янгиланди. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида улкан тараққиётга эришётганидан ёрқин далолат беради. Тошкент йўловчи вагонлар куриш ва таъмирлаш заводи бу борада амалга оширилаётган ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган қулай ва шинам йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айна пайтга қадар завод томонидан 120 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 вагон модернизация қилинди.

Яқинда реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи вагонлар паркинни тўлдиришни таъминламоқда. Ийлиги 26,5 минг тонна қўйма маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу заводда айна пайтда 167 турдаги саноат маҳсулотлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини якунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тузилмасини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифала-

ридандир. Ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19 километрлик темир йўл туннелини куриш кўзда тутилган.

Айна пайтда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 35,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари амалга оширилиб, 204 иншоот, 11 кўприк, 3 йўл ўтказгич барпо этилиб 82 километрлик темир йўл линияси куриб битказилди. Туннел асосий қисмининг 5,5 минг метр узунликдаги участкасида қазил ишлари, 1,4 минг метрдан ортиқ масофадаги участкада эса пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Бу ишларга энг замонавий темир йўл техникаларининг жалб этилгани темир йўл соҳасини жадал ривожлантириш, кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётди. Шундай мураккаб ишда ўз касбига меҳр қўйиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар муҳим ўрин тутмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги ўз ҳаётини темир йўл соҳасини ривожлантиришга бахш этган 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг байраמידир.

Уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 5 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ қўрилди. Тадбирда

уларга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Каримова ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Солиев Президентимиз Ислом Каримовга соҳа ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Мен учун бугун энг қувончли ва бахтли кундир, — дейди Ҳ.Солиев. — Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими унвони билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим мана шундай юксак мукофотга муносиб қўрилгани мен учун катта шарафдир. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти ходимларига қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида бор куч-ғайратимизни сарфарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон Езувчилар уюмлари раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо темирйўлчиларни ушбу сана билан табриклади.

Тантанали тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

«Kamolot» loyihalari

Муҳими — мустақил муносабат

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзудаги тарғибот ойлиги олдидан видеоконференция ўтказилди.



Мамлакатимизда кечаётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ёшларни Конституция ва қонунларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг мазкур жараёнларга мустақил муносабатини шакллантиришда долзарб аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирлари Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-

ри ҳамда мажбуриятларининг асосий мажмуи, ҳалқимизнинг тинч-осойишта, тўқис ва фаровон яшашини таъминлайдиган муҳим кафолати эканини тенгдошларимиз онги ва қалбига янада чуқур сингдиришга қаратилган. Ушбу тарғибот ойлиги «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Марказий сайлов комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан ҳамкорликда жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрига қадар ўтказилади.

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонованинг таъкидлашича, тадбирлар юртимиздаги

барча умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва маҳаллаларда «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида ўтказилади. Ойлик доирасида «Ватан келажиги сенинг қўлингда!» шиори остида «Ёшлар ва сайлов — 2014» лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу лойиҳа доирасида ёшларга сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларни сайлов жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш мақсадида «Мен биринчи марта овоз бераман!», «Бугун ўқувчи — эртага сайловчи», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга», «Ўз фуқаролик позициянгни намоён эт!» сингари мавзуларда буклет ва плакатлар, «Юрагинг билан овоз бер!» номли сайлов тарғиботи ролигини тайёрлаш ва бошқа тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, тарғибот ойлиги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, хусусан, жорий йилги сайловлар ҳақида ёш сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Видеоконференцияда тадбирларни юқори савияда ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

Saylov — 2014

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ҳамда вилоят сайлов комиссияси ҳамкорлигида «Сайлов ва ёшлар» форуми бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ёшлари иштирок этди.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро нормалар инobatга олинган ҳолда, босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Сайлов тизимини ривожлантиришнинг бугунги босқичи давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Концепцияда сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик тўғрисида ортиб бораётгани амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим самарасидир.

Ёшларни миллий сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш, ислохотлар жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган форум вилоят марказидаги Аҳмад Фарғоний мажмуасида бошланди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 99-Фарғона округ сайлов комиссияси ҳамда Фарғона олимпия захиралари спорт

колежида жойлашган 710-сайлов участкаси фаолияти билан танишди. Сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқа масалалар бўйича батафсил маълумот берилди.

Форум доирасида Фарғона давлат университетиди ташкил этилган «Сайлов ва ёшлар» мавзусидаги тадбир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда сайлов тўғрисидаги билимларини янада ошириш, сайлов ва сайловолди жараёнлари, фуқароларнинг сайловда иштирок этиш тартиблари юзасидан фикр алмашилди.

— Сайлов кампаниясида биз, ёшлар ҳам фаол иштирок этишимиз керак, — дейди форум иштирокчиси наманганлик Сарварбек Қобилов. — Сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар билан танишишда эса бугунгидек тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб тенгдошларим қатори сайловда илк бор овоз бераман. Бу жуда катта масъулият, айти пайтда фуқаролик бурчим эканини янада теранроқ англадим.

Тадбир доирасида «Камалак» болалар ўқув маркази ҳамда Фарғона политехника институтида ёшларнинг «Обод юрт фарзандлари», «Маърифатли ёшлар асри» мавзуларидаги тақдимотлари бўлиб ўтди.

Форум таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Mushohada

Қалбда ишонч бўлса...

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг, оғир бемор бўлса ҳам, эл-юртимиз маънавий ҳаётини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшгани ҳақида чуқур меҳр ва самимият билан фикр юритилади. Устоз олимнинг маънавий жасорати бугунги кунда кўплаб ёшлар учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.

«Президентга мактублар» китобининг 2013 йилда нашр қилинган учинчи жилдида турли тоифа вакиллари қатори ногирон инсонларнинг мактублари ҳам ўрин олган. Биринчи гуруҳ ногирони Жасур Жумаевнинг хатида унинг асаб томири шамоллаши туфайли ногиронлик аравачасига ўтириб қолгани, каттиқ умидсизликка тушгани, лекин 2008 йилда «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини, айниқса, унинг «Энг буюк жасорат» деб номланган бўлимини ўқиб, фикри, дунёқараши бутунлай ўзгаргани ҳақида ёзади. Шундан сўнг у ўзи танлаган «сомон санъати» йўналишида янги-янги асарлар яратиб, нуфузли танловлар ва кўргазмаларда иштирок этгани, совринли ўринларни қўлга киритгани, 2008 йилда Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва ди-

зайн институтига ўқишга қабул қилингани тўғрисида фахрланиб ёзади. Бу истеъдодли йигит ҳозирги кунда «Арт ёғду» ижодий гуруҳининг аъзоси сифатида ўз олдида катта режалар қўйиб, яратувчанлик тўғриси, ижод қилиш завқи билан яшаётган экан. Инсонни меҳнат, жасорат, доимий ўқиш-изланиш юксалтиради, деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканини ана шундай ҳаётий мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу йил октябрь ойида Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган Парасиёё ўйинларида юртимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, қизгин беллашуларда 22та олтин, 5та кумуш ва 4та бронза медални қўлга киритдилар. Бизнинг орамызда яшаётган бу инсонларнинг ҳаётдаги қийинчиликни енгиб, тушкунликка тушмай, нафақат шахсий ҳаётда, балки доимий чиниқшиш ва тобланишни талаб этадиган спорт соҳасида ҳам шундай ютуқларга эришаётгани ибратлидир.

Демак, инсон қалбда ўзига ишонч, интилиш бўлса, у эзгу орзуниятлар билан яшаса, албатта, ўз юрти, ўз халқи учун улкан ишларни амалга ошира олади.

Ҳилола ҚАРШИБОВЕВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси

Ҳуқуқий маданият ва сайлов қонунчилиги

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари, бошланғич ташкилот етакчилари, корхона, ташкилотларда фаолият олиб бораётган тенгдошларимиз ҳамда мутахассислар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўрни, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Ёшлар ҳаётига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш ҳамда бу йилги сайлов жараёнларига илк сайловчиларни тайёрлаш

мақсадида олиб борилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тузганмиз, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи Акром Шуқуров. — Ҳозирги кунда

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, Республика маънавият тарғибот маркази мутахассислари ҳамда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари билан биргаликда жойлардаги академик лицей, касб-хунар коллежларида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширяпмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни сайлов қонунчилигимиз билан таништириш ҳамда уларни шу жараёнларга тайёрлашдан иборат.

Давра суҳбатида ёшлар сайлов жараёнларида юзага келадиган турли ҳолатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Жавлон ВАФОВЕВ,
«Turkiston» мухбири

San'at

23 — 29 ноябрь кунлари пойтахтимиз яна бир нуфузли халқаро танловга мезбонлик қилади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Австриядаги «Сомпетизионе дель Опера» халқаро танлов ассоциацияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилаётган италян операси ижрочилари XIV халқаро танловида Европа, Австралия, Африка, Жанубий Америка ҳамда Осиёдаги йигирмадан ортиқ давлатдан ёш опера ижрочилари иштирок этади.

Маданият алоқалар намоёиши

Танловнинг дастлабки босқичлари Пекин, Москва, Владивосток, Санкт-Петербург, Лейпциг, Дрезден, Сеул, Будапешт, Буэнос-Айрес, Бонн, Вена, Линц, Улан-Уде шаҳарларида ўтказилган. Ушбу халқаро санъат танлови нафақат қатор хорижий мамлакатларда яшаб ижод қилаётган ёш истеъдод соҳибларини жамлаши, балки уларнинг маҳоратини баҳолайдиган жаҳон опера санъатининг кўзга кўринган намоёндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъатининг ташрифи билан ҳам алоҳида эътиборга молик.

Юртимизда илк маротаба ўтказилаётган нуфузли танловнинг 2011 йилги Гранд финали Россияда, 2012 йили Беларусда, 2013 йили Австрияда ўтказилган эди. Жорий йили халқаро танловнинг якуний босқичини ўтказиш ҳуқуқи юртимизга берилгани кейинги йилларда мамлакатимизда санъат ва маданият, хусусан, классик опера ва балет санъатига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Бугун ўзбек операчиларининг халқаро миқёсда намоёиш этган юсак ижрочилик маҳорати жаҳон жамоатчилиги эътиборига сазовор бўлмоқда. 2012 йили Минск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда ватандошимиз Раҳим Мирзакамолонинг, 2013 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмоновнинг юқори ўринни эгаллагани сўзимизнинг исботидир.

Сўнгги йилларда жаҳон вокал танловлари орасида энг йирикларидан бирига айланган «Сомпетизионе дель Опера» халқаро опера ижрочилари танловининг Тошкентда ўтказилиши Фарб ва Шарқ маданиятларини янада яқинлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда катта ўрин тутаяди. Ватанимизнинг нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки Шарқ маданият марказларидан бири эканини яна бир бор исботлайди. Танлов давомида санъат ихлосмандлари жаҳоннинг нуфузли опера юлдузлари ижодидан баҳраманд бўлади.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Боқий санъат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Истиқлол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари» мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий илмий-методик маркази ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мустақиллик йилларида ўзбек фольклор санъатининг ранг-баранг жанрларини ўрганиш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, халқ ижодиёти анъаналарини кенг тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

— Ҳар бир санъат тури кўп асрлик анъаналардан, халқнинг миллий характер хусусиятларидан, узоқ ўтмишидан сув ичади. Замонавий кўшиқчилик ва сўз санъатимиз халқ оғзаки ижодидан озикланиб, ривожланган. Халқ ким? У ота-боболаримиз, момоларимиз, сизу биз — ўзимиз. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам»ларни ким ёзган? «Сунбула», «Ёр-ёр» сингари кўшиқларни-чи? Уларнинг ижодкори — халқ. Бугунги анжуман долзарб масалага бағишланган. Истиқлол йилларида қадимий анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Фольклор жанрлари бўйича турли танловлар ўтказиб келиняпти, бу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаев. — Шу ўринда бир масалани ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Кейинги йилларда кўплаб кўрик-танлов ва байрам тадбирларида фольклор-этнографик жамоаларнинг чи-

қишида янгилик деярли кўринмаяпти. Қандай бой санъатимиз, фольклоримиз бор! Уни кўрсата билишимиз керак. Гоҳида халқ кўшиқларининг матнини бузиб айтиш ҳоллари ҳам кузатиляпти. Бу



ачинарли. Ушбу анжуманда шу каби муаммолар ҳам кўтарилди. Умид қиламанки, улар тезда бартараф этилади.

Таъкидлаш жоизки, бугун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларда жами 64та фольклор ансамбли фаолият юритмоқда. Бу жамоаларнинг 52тасига вазирлик ҳайъатининг қарорига асосан «Халқ ҳаваскорлик жамоаси», иккитасига «Болалар намунали жамоаси» мақоми берилган. Ушбу жамоаларда икки мингга яқин ҳаваскор ижрочи мусиқа санъатининг турли йўналишлари бўйича ижодий фаолият олиб бормоқда.

Икки кун давом этган анжумандан кўзланган мақсад фольклор санъатига эътиборни янада кучайтириш, жойларда фаолият юритаётган фольклор-этнографик жамоаларнинг соҳа мутахассислари

билан доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказишга тайёргарлик кўриш, ёш авлод қалбида миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришга қаратилди.

Илмий-амалий анжуманда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент

давлат шарқшунослик институтида фольклор санъати бўйича изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчи ва талабалар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги фольклор-этнографик жамоаларнинг бадий раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманнинг амалий қисмида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқув театрида юртимизда фаолият юритаётган намунали фольклор-этнографик жамоаларнинг мусиқий дастурлари намоёиш этилди.

Вилоятлардан ташриф буюрган ҳудудий фольклор ансамбллари бадий раҳбарлари учун институтнинг профессор-ўқитувчилари томонидан маҳорат дарслари ўтилди.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Ҳуқуқий маданиятнинг таянч манбаси

Дунё тажрибасидан маълумки, Конституция ҳар қандай давлатнинг нуфузини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституция демократик жамиятнинг ҳуқуқий пойдевори, маънавий ва ҳуқуқий тафаккурининг ҳосиласи. Бинобарин, у жамият маданий тараққиётининг даражасини намоён этади.

Истиқлол йилларида Конституция мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати сифатида иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва демократик ислохотларни изчил, самарали амалга оширишнинг муҳим таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституцияимизнинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу модданинг мазмун-моҳияти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 26-моддасига тўлиқ мос келади.

Билим олиш фуқароларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларидан бири саналади. Уни таъминлаш фуқароларнинг, айниқса, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларнинг маданиятини юксалтиришга, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан, давлат томонидан ҳар бир кишининг жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди, дини, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий маънаси, турар жойи, Ўзбекистон Рес-

публикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганидан қатъий назар, билим олишда тенг ҳуқуқли экани кафолатланган. Қонунда белгиланишича, таълим юртимиз ижтимоий тараққиётда устувор соҳа ҳисобланади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, республикаимизда амалга ошириляётган туб ислохотлар замирида эртанги куннинг соғлом, баркамол эгаларини тарбиялаш мақсади ётади. Шу боис мамлакатимиз таълим соҳасидаги ислохотлар бугунги кунда бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборига тушди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунда ёшлар мактабдаги 9 йиллик таълимдан кейин ўзлари хоҳлаган йўналишдаги академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиш имкониятига эга.

Академик лицей — ўқувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, муайян соҳа бўйича билим олишини таъминлайдиган уч йиллик таълим муассасасидир. Касб-хунар коллежларидаги таълим эса болага бир ёки бир неча ихтисослик бўйича касб-хунар соҳиб бўлиш имконини беради.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълими шахснинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг айнан шу босқичида ўқувчилар диққат-эътиборини Конституциянинг моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга қаратади. Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишларда дастуриламалдир.

Ҳуқуқий тафаккур ёшларнинг қонунчилик соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлишини таъминлайди, ҳуқуқий нормалар фалсафий мушоҳада этиш, маданий жиҳатдан ўзлигини намоён қилишга ўргатади.

Мавлуда ЭРГАШЕВА,
Бухоро давлат университети
доценти, юридик фанлари
номзоди

Istiqlol farzandlari

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

Муסיқа хаёлларимизни гўзал манзаралар ила чулғаб, унут бўлаёзган айрим хотираларимизни қайта ёдга солади. Дилларга бир олам эстетик завқ бағишлайди...

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий муסיқа санъатимизни янада равнақ топтириш, шу соҳада ўқиб-изланаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариши учун муносиб шарт-шароит яритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент вилоятида ушбу ҳужжат ижроси доирасида ўн иккита болалар муסיқа ва санъат мактаби барпо этилди, ўн саккизтаси капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди.

Айни пайтда ушбу даргоҳларда 900 нафарга яқин малакали ўқитувчи ва мураббий меҳнат қилмоқда. Улар олти минг нафардан зиёд ўғил-қизга миллий ва жаҳон муסיқа асбоблари, анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 14 йўналиш бўйича сабоқ бермоқда.

— Оҳангарон ва Қўйи Чирчиқ туманларида янги мактаблар барпо этилаёттир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Мавлонов. — Қибрай тумани, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидаги 28-, 1-, 7-болалар муסיқа ва санъат мактаблари реконструкция қилинмоқда. Бу ишлар битгач, мингга яқин ўғил-қиз дарсдан кейин муסיқа ва санъатнинг ўзлари истаган тури бўйича машғулотларга қатнаш имкониятига эга бўлади.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ўғил-қизларимиз дунёнинг

турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро кўрик-танловлар ҳамда муסיқа ва санъат фестивалларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намойиш этмоқда.

Тошкент вилоятидан 2010-2013 йилларда 40 нафарга яқин йигит-қиз Франция, Италия, Россия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритгани ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

ШОХРУХНИНГ ШУХРАТИ

Дўрмон қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммадазизовлар оиласи шу йил ёзда Италиядан хушxabар олди. Унда фортепьяно бўйича ўтган халқаро танловда Шохруҳ фахрли ўрин олгани маълум қилинган эди.

Дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган ёш муסיқачилар орасида фарзандининг бундай муваффақиятга эришиши хонадон соҳибларига бир олам шодлик бағишлади. Кувончдан боши кўкка етган Ирода опа ўғлининг таассуротларига қизиқди. Шунда бўлажак маэстро ҳам ҳаяжон, ҳам кувонч билан шундай деди: «Танловда Моцарт, Шостакович, Бах концертларидан намуналар ижро этдим. Нуфузли ҳайъат аъзоларидан бири шарафли ўрин соҳибларининг исмини бирма-бир айтиб, залга қарата шундай деди: «Энди учинчи ўрин соҳибини эълон қиламан. У — ўзбекистонлик 12 ёшли Шохруҳ Бахтиёров!».

Шохруҳ Қибрай туманининг Дўрмон қишлоғидаги 2-болалар муסיқа ва санъат мактабларининг 6-синфида ўқийди.

2011 йили янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган мазкур мактаб бугун санъат сирларини ўрганиш-



га ошуфта қибрайлик ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Ҳозир бу ерда 250 дан зиёд ўғил-қиз билим ва маҳоратини оширмоқда.

— Санъатга меҳр оиламиздаги муҳит туфайли уйғонган, — дейди Шохруҳ. — Онам адабиёт муаллими, санъатнинг чинакам ошуфтаси. Отам, гарчи бошқа соҳа вакили бўлса-да, муסיқани яхши тушунади. Баъзан ота-онамдан «Нега санъат йўлидан бормагансизлар», деб сўрасам, индамай, кулиб қўя қолишади. Уларнинг ҳикоясидан биламанки, у пайтларда бизнинг муסיқа мактабимиздагидек шароитлар бўлмаган. Муסיқа асбобларини расмларда кўришган, холос. Бизчи? Ўзимдан қиёс. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли энг замонавий шароитларга эга бўлган таълим масканида таҳсил олмоқдамиз.

ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ҚИЗАЛОҚ

«...Париждаги танловда томошабинлар Мадинанинг ажойиб ижросидан ҳайратга тушди. Ўшандаёқ кўпчилик унинг танловда ғолиблар қаторида бўлиш имконияти юқори эканини билган эди. Яқин келажакка назар ташлаган хорижлик классик муסיқа мухлислари ўзбекистонлик

пиониночиларнинг яна кўпдан-кўп ғалабалари шоҳиди бўлишга умид билдирмоқда...»

Бу гап хорижий оммавий ахборот воситаларидан бирида чоп этилган мақоладан олинди. Дарвоқе, жорий йилнинг июнь ойида Франциянинг Париж шаҳрида халқаро пиониночилар кўрик-танлови ўтказилди. Унда ўттиздан ортиқ давлатдан келган 200 га яқин пиониночи иштирок этди. Улар орасида Мадина Дехқонова ҳам бор эди. Танловда ўн ёшли ўзбек қизалоғи нозик бармоқларини пианино клавиши устида моҳир маэстролар сингари чаққон ва аниқ ҳаракатлантиргани, ноталарни бузмай ижро этгани барчани қойил қолдирди.

— Ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи мамлакатимиз, кейин менинг исмим эълон қилинганда кувончдан қийқириб юбордим, ўрнимдан сакраб кетдим, — дейди Мадина. — Кейин нима бўлди? Рост, эсимда йўқ. Лекин самолётда уйга қайтаётганимда, аллақандай чексиз меҳр-эътиборни чин юракдан ҳис этдим. Шунда бошқа танловларда ҳам яхши натижаларни қайд этиб, Президентимиз томонидан билдирилган ишонччи оқлашга, жонажон Ватанимиз, Ўзбекистонимиз довуғини жаҳон узра кенг

ёйишга аҳд қилдим...

Яқинда мазкур Қибрайдаги 2-болалар муסיқа ва санъат мактабига Испанияда бўлиб ўтадиган халқаро фестивалга таклифнома келди. Айни пайтда мактаб ўқувчилари ана шу тадбирда ҳам муносиб иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқда. Қибрайлик ёш муסיқачиларнинг иқтидори у ерда ҳам эътироф этилишига ишонимиз.

Булар Қибрайдаги 2-болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг қўлга киритаётган ютуқларидан бир лавҳа, холос. Чирчиқ шаҳри, Бекобод, Оҳангарон, Чиноз, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларидаги шундай мактабларда ҳам Шохруҳ, Мадина каби ўғил-қизлар қатор нуфузли халқаро танловларда ўз истеъдодларини намойиш этиб, юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Оиласига, тарбия берган устозларига раҳмат келтирмоқда, Ватанимиз шаънини шарафларга буркамоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар, Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самараларидир.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири

Кузги таътилда тўғараклар гаВжум

Республикамиз умумтаълим мактабларида кузги таътил бошланди. Бир ҳафта давомида ўқувчилар бўш вақтини фан тўғараклари, спорт секциялари ҳамда «Баркамол авлод» болалар марказларида мазмунли ўтказиши мумкин.



Таътил кунларида барча мактабларда хорижий тилларни ўрганиш, фан ва спорт тўғаракларининг узлуксиз ишлаши таъминланган, деб ха-

бар беради Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати. Барча тўғаракларда машғулотлар бепул олиб борилмоқда.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларидаги секциялар ҳамда сузиш ҳавзалари ҳам кузги таътил мавсумида ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Айтиш керак, ҳозирги кунда юртимизда бундай объектлар 65423та бўлиб, уларда 1,6 миллион нафардан ортиқ ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланади. Машғулотлар барча болалар учун бепул.

Бадий ижод, техника, экология йўналишлари ёки хунар ўрганишга қизиқувчи ёшларни одатдагидек «Баркамол авлод» болалар марказлари ўз бағрига чорлайди. Айни вақт-

да республикамизда 211та ана шундай марказ мавжуд. 4485та тўғарак ўқувчилар хизматида. Охириги йилларда тикиш-бичиш ва тўқиш, либослар дизайни, фольклор, компьютер сервис ва графика, ёш дастурчи тўғаракларига қизиқиш ортмоқда.

Яна бир хушxabар: Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги томонидан кузги таътил вақтида 20,4 минг нафар ўқувчининг музейларга саёҳатини ташкиллаштириш кўзда тутилган.

Наргиза БАҲОДИРОВА



Саралар сараланмоқда

«Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Самарқанд вилояти босқичи кўтаринки кайфиятда ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичида қатнашган 3 минг 500 нафар иқтидорли болалар ичидан сараланган 500 нафар йигит-қиз қобилиятини намоён этди.

Фестивалнинг вилоят босқичи қатнашчилари классика, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг ҳар бир чиқишини муносиб баҳолаб борди.

Танлов якунида ўттиз уч нафар истеъдодли ёш ғолиб бўлди ва «Камалак юлдузлари»нинг республика босқичига йўлланма олди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири



2014-yil — Sogʻlom bola yili

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини асраш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларда учрайдиган касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш ва кенг қўллаш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

«Sen yolgʻiz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ота-она меҳридан бебаҳра болаларни мунтазам тарзда шифокорлар кўригидан ўтказиш, учраши эҳтимоли бўлган турли хасталиклар профилактикасини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу кунларда мазкур жамоат ташкилоти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Саломатлик ҳафталиги» ташкил этилиб, ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва «SOS-болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади болаларда учраши

мумкин бўлган хасталикларни эрта аниқлаб, даволаш ҳамда реабилитацион муолажаларни белгилаш, кейинчалик уларнинг соғлигини доимий назоратга олишдир.

Тиббий кўриқ якунида ҳар бир болага индивидуал профилактик чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади, хасталикка чалиниши эҳтимоли бўлган болалар ўз вақтида диспансер назоратига олинади.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

«Sen yolgʻiz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилаётган саломатлик ҳафталигида республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали, вилоят эндокринология диспансери, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларининг малакали мутахассисларидан иборат шифо-

корлар гуруҳи тарбияланувчилар саломатлиги бўйича кенг қамровли ташхислаш ва даволашга тавсия қилиш тадбирларини амалга оширди.

Касаллик аниқланган тарбияланувчиларга Чортоқ болалар сўхатгоҳида ҳам ўқиб, ҳам даволанишга йўлланма берилди. Декабрь ойида мазкур сўхатгоҳга яна 14 нафар ўғил-қиз соғломлаштиришга юборилади. Тиббий кўриқ давомида тарбияланувчилар грипп касаллигига қарши тўлиқ эмланди.

— Тиббий кўриқда бемор деб топилган болалар учун соғломлаштириш дастури ишлаб чиқилган, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Дилфуза Болтабоева. — Улар Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан диспансер ҳисобига олинди. Соғломлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилади. Уларни амбулатор-поликлиника сўхатгоҳларида ва зарурат туғилганда стационар шароитда даволаш учун етарли шароит яратилган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида болаларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш, уларда ўтмишни ҳурмат қилиш ва қадриятларимизни

эъозлаш туйғусини шакллантириш мақсадида тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ўғил-қизларнинг ўз саломатлигини тиклаши, истеъдодини намоён этиши юзасидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда алоҳида эҳтиёжли болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик муҳим аҳамият касб этаётир.

«Она Ватан тарихи» шиори остида уюштирилган саёҳат давомида мутахассислар болаларга Самарқанд шаҳри ўтмишда йирик савдо ва хунармандлик, фан ва маданият маркази бўлгани хусусида сўзлаб берди. Шу билан бирга мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Самарқанд овоз ва обод юртининг бебаҳо дурдонаси, тарих ва замонавийлик уйғунлашган бетакрор шаҳар сифатида янада равнақ топаётгани алоҳида эътироф этилди.

Шаҳарнинг ноёб меъморий обидалари, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган муҳташам иморатлар, маданият-маърифий иншоотлар, сайлгоҳлар болаларда ўзгача таассурот қолдирди.

— Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд ёшларимизни хайратлангирди, — дейди 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Зухра Обидова. — Юртимизда тарихий-маданий бойликларни асраб-авайлаш, хунармандликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида обидалар, муқаддас қадамжолар тобора чирой очаётир. Ушбу саёҳатдан сўнг болаларимизда гўзал Самарқанд тарихини чуқурроқ ўрганишга қизиқиш кучайди.

Тарихий масканлар бўйлаб уюштирилаётган бундай тадбирлар ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бетакрор маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Qaror va ijro

Президентимиз раҳнамолигида жадал ривожланаётган шаҳарсозлик ва кенг қўллаш бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳару қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этиб, янги-янги маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, кўчалар барпо этилаётир. Бу жараёнда уларнинг ўзига хос тарихий-географик номлари тикланаётгани муҳим аҳамиятга эга.

ЖОЙ НОМЛАРИ — МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича туман ҳокимликлари қошида фаолият кўрсатаётган географик иншоотларни номлаш комиссиясининг тавсиясига кўра, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши юзга яқин жой номларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вилоятда Янгикишлоқ, Янгиҳаёт, Янгиобод каби шакл ва маъносига кўра бир-бирига ўхшаш, бир хил ўзакли жой номлари кўп учрайди. Бундай ҳолни барча туманларда бир нечтадан кузатиш мумкин. Бу нафақат расмий ҳужжатлар юритиш, балки аҳолининг кундалик турмушида ҳам айрим муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, эски тузумдан қолган, географик иншоотнинг мазмунига, миллий, тарихий аҳамиятига мос бўлмаган жой номлари ҳам талайгина. Вилоятда жойларнинг номланишида ўтмишда йўл қўйилган бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Фориш тумани маркази Янгикишлоқ шаҳарчаси — Богдон, Бахмал туманидаги Янгикишлоқ-1 қишлоғи — Меҳнатобод, Янгикишлоқ-2 қишлоғи — Қамишкўл каби ўз тарихий номлари билан аталадиган бўлди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунида ном географик объектга хос бўлган белгиларни, маҳаллий аҳоли турмушининг тилига оид, этник ва бошқа хусусиятларини акс эттириши белгилаб қўйилган, — дейди географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси аъзоси, география фанлари номзоди Кўчқор Ҳақимов. — Ушбу қонун талаблари асосида географик жойнинг белги ва хусусиятларига мутлақо алоқаси бўлмаган номларни миллий атамалар билан алмаштириш бўйича ишлар давом этаётир. Комиссия томонидан қайта номланадиган географик иншоотларнинг номлари ўша жойнинг топономик тизимида қанчалик мослиги илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиб, ҳар томонлама асосланган тавсиялар тайёрланмоқда. Бу ишда жой номларининг халқимиз турмуши, тарихий, миллий қадриятларимизга мос, илмий жиҳатдан пухта бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ривожланиш суръатларининг тезлашуви туфайли янги аҳоли манзиллари пайдо бўлаётгани, намунавий лойиҳалар асосида замонавий массивлар барпо этилаётгани жойларни номлаш масъулиятини янада оширмоқда. Шу боис барча шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида фаолият кўрсатаётган географик иншоотларни номлаш комиссиялари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, фан ва маданият соҳаси мутахассислари ҳамкорлигида географик иншоотларни номлаш ва қайта номлашда халқимизнинг тарихий-маданий қадриятлари билан боғлиқ номларнинг асралишини таъминлаш, уларнинг асосли, ўзига мос атамалар билан номланиши устида иш олиб борилмоқда.



ЎЗА суратлари

Istiqlol farzandlari

Миллий муסיқамиз дунёни забт этмоқда

Ўзбек миллий муסיқаси барча замонларда ўзига хос нафосати, жозибаси ҳамда сеҳрли оҳанги билан санъат мухлислари қалбини ром этган. Мозийлар оша севиб ижро этиб келинаётган мумтоз кўшиқларимиз ўзининг бетакрорлиги билан бутун дунёга маълум ва машхурдир.

Сурхондарё воҳаси қадимдан кўшиқчилик санъати ривожланган ҳудудлардан бўлиб, миллий муסיқамиз ҳақида гап кетганда, ушбу вилоятда яшовчи санъатсевар юртдошларимиз алоҳида эътироф этилади. Истиқлол туфайли воҳада миллий муסיқамиз янада қадр ва сайқал топиб, ҳозирги кунда вилоятдан кўплаб истеъдодли ёш санъаткорлар етишиб чиқмоқда.

Бойсунлик Зилола Хайруллаева ҳам ана шундай истеъдодли ёшлардан. У яқинда Озарбойжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган «Муғом» VI болалар хал-

қаро фестивалида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Унинг ижросидаги «Ёлғизман», «Доғман» кўшиқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

— Ўтказилган халқаро танловда 16та давлатдан келган тенгдошларим орасида биринчи ўринга сазовор бўлдим. Бу фақат менинг эмас, бутун халқимизнинг ютуғидир, — дейди Зилола Хайруллаева. — Ватанимизда яратилган имконият ва шароитлар, отаонам, устозим Эркин Ниёзов ишончини оқлаш, келгусида муסיқамиз ривожига ҳисса қўшадиган санъаткор

бўлиб, миллий кўшиқларимиздан барчани баҳраманд этиш — олий мақсадим.

Эндигина 14 баҳорни қаршилаётган Зилола Хайруллаева ёш бўлишига қарамай, туман, вилоят ва республика кўрик танловларида фахрли ўринларни қўлга киритган. У Бойсун туманидаги 1-умумтаълим мактабида аёло баҳоларга ўқиш билан биргаликда 6-болалар муסיқа ва санъат мактабида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича таълим олади. Интилувчан ва ўзига талабчан ёш истеъдод соҳибаси устозлари кўмагида мумтоз кўшиқларни куйлаб, ижро маҳоратини ошириб бормоқда. Ўтказилган халқаро танловда Зилоланинг биринчи ўринни қўлга киритиши, нафақат у таҳсил олаётган санъат мактаби ўқувчи ва устозларининг, балки бутун воҳа аҳлининг хурсандчилигига сабаб бўлди.

— Келгуси йил таълим даргоҳимиз ташкил этил-

ганига 50 йил тўлади, — дейди 6-болалар муסיқа ва санъат мактаби раҳбари Қодир Бадриддинов. — Ўтган ярим аср давомида таълим муассасамизда элимиз ардоғидаги кўплаб санъаткорлар таълим олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Сайёра Қозиева, «Бойсун» фольклор-этнограф ансамбли бадиий раҳбари Ҳабиб Умаров, «Шалола» ашула ва ракс ансамбли бадиий раҳбари Ҳаким Каримов ҳам мактабимиз тарбияланувчиларидир. Ўқувчимиз Зилола Хайруллаева ўзи устида кўп ишлагани туфайли қисқа вақт ичида истеъдодини юзага чиқармоқда.

Ҳа, Зилоланинг ижросини тинглаб, ноёб овоз эгаси эканига яна бир қарра амин бўласиз — кўшиқлари сизни кенгликлар, гўзал бўстонлар сари олиб кетади...

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

«Kamolot» hududi

Хоразм вилоятида Ҳаракатнинг қорхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинарлари ўтказил-япти. Ўқув доирасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Намунали етакчилар аниқланди

Гурлан туманида ташкил этилган ўқув-семинарида 19 нафар етакчи қатнашди. Улар «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси ҳудудий бўлимининг малакали мутахассислари кўмагида бошланғич ташкилот ишини тартибга солиш, етакчилик қобилиятини ривожлантириш, ёшлар билан ишлашга оид билим ва кўникмаларга эга бўлди. Ўқув ва тренинг машғулотларида меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш раҳбар кадрлар етиштириш ва қайта тайёрлаш, ташаббускор етакчиларни рағбатлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу билан бирга энг намунали бошланғич ташкилотлар аниқланди. Натижаларга кўра, Гурлан марказий касалхонаси етакчиси Зебо Турсунова ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси етакчиси Ислонбек Бобожонов танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Сардор ПОЛВОНОВ,
«Kamolot» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши бўлим мудир

Iлк qadam

Санъат чаманида янги гулфунча

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида ёш кулол Хуснора Илҳомжонованинг илк кўргазмаси бўлиб ўтди. «Илҳом» деб номланган ушбу кўргазмада хунарманднинг қирққа яқин ижодий ва амалий иши намойиш этилди.

Ўқитувчиси пластилиндан турли шакллар ясашни ўргатганида етти яшар Хусноранинг мурғак қалбида кулолчиликка меҳр уйғонди. «Кулолчилик деган ажойиб миллий хунаримиз бор. Сиз пластилиндан ясаётган буюмларни кулоллар лойдан ясайди», деган эди муаллими. Ушанда Хуснора оддий лойдан санъат асари бунёд этилишини тасаввур қилиб ҳайратланган, ўзи ҳам уйга бориб, лойдан кичкина чойнак-пиёла ясаб кўрган эди. Кейинчалик билдики, ҳар ернинг тупроғидан кулолчиликда фойдаланилавермас ва ҳамма ҳам кулол бўлавермас экан.

— Болалигимдан мўъжизаларга ишонаман, — дейди Хуснора Илҳомжоннова. — Кулолчилик ҳам аслида бир мўъжиза. Керакли тупроқни топиб, уни маромида қоришдан тортиб, маҳсулотга

сўнгги пардоз беришгача бўлган жараёндан завқланман.

Хунармандчиликка болалигидан меҳр қўйган тенгдошимиз мактабни тугатгач, Республика рассомлик коллежига ўқишга кирди. Мазкур таълим даргоҳи унинг ҳаётида муҳим ўрин тутди. Айнан шу масканда истеъдоди сайқал топди.

— Раҳматли устозим Тожибой Мирзаев сабоқларидан мен санъату хунармандчиликнинг пасту баландини англадим, — дейди Хуснора Илҳомжоннова. — Аслида, ҳар қандай касб-хунар кишидан сабр-тоқат ва ирода талаб этади. Хусусан, кулолчиликка қўл уриб, кейинчалик бошқа йўлни тутиб кетган ёшлар ҳам кўп. Уста бизга инсон ўзи танлаган йўлдан оғишмай юрса ва мақсад йўлида сабот билан меҳнат қилсагина ҳаётда кўп нарса-



ларга эришишини таъкидларди. Кўргазмага келган тенгдошлар ва томошабинлар нигоҳида ҳаяжон ва ҳайратни кўриб, яна бир қарра амин бўлдимки, устозлар сўзи ҳақ экан.

Бугунги кунда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти амалий санъат факультетининг «Бадиий кулолчилик» бўлимида таҳсил олаётган Хуснора танлаган йўлида қатъият билан одимлайди.

Ёш хунарманд Ўзбекистон



рассомлари нигоҳида» анъанавий кўрик-танловида эса биринчи ўринга сазовор бўлди.

Шахсий кўргазма — ҳар бир хунарманд ёки санъаткорнинг томошабин олдидаги ҳисоботи, ўзига хос имтихонидир. Кўргазмага ташриф буюрганлар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этди. Биз уларнинг баъзилари билан кўргазма таасуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Менга кўргазма жуда манзур бўлди, — дейди талаба Сабоҳат Жумаева. — Айниқса, лойдан ясалган анорлар менда ўзгача таассурот қолдирди. Уларнинг ҳақиқий ёки ясалган эканини бир қарашда ажратиш қийин. Санъат дегани мана шу бўлса керак.

Яна бир томошабин Нигина Маматкулова эса кўргазмага қўйилган буюмлар устасининг иқтидор соҳиб эканини кўрсатиб турганини таъкидлади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари, жамғармалар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари Конституция ҳимоясида бўлиб, уларга Бош қомусимизнинг алоҳида 13-боби бағишланади. Бугунги кунда улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилиб, унинг мазмунини белгиламоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашмоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароит, берилаётган имтиёз ва имкониятлар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминламоқда.

ЎЗА МУХБИРИ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Худойёр МЕЛИЕВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизими шаклланиши фуқароларнинг демократик янгилашлари ва модернизация жараёнларидаги иштирокини таъминлаш, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини ўрнатиш, аҳоли қатламларининг кенг қўлламли ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди, — дейди Х.Мелиев. — Бу тизимнинг мамлакатнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ долзарб масалалар, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бу, энг аввало, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятларининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган изчил ва босқичма-босқич демократик ислохотларнинг натижасидир.

Мустақилликка эришиш арафасида республикамизда атиги юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони бугунги кунда саккиз мингдан ошди. Уларнинг фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни ҳимоялаш, спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишга кўмаклашишга қаратилган.

Замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотлари асоси бўлиб хизмат қилиб, у ўз ичига 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжатларини олади. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар жамият ҳаётининг турли жабҳалари — иқтисодий, маданият, гуманитар, ижтимоий соҳаларда фаолият юритаётган ННТ эркин фаолиятининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётир.

ННТларнинг мустақил иш юритиши, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этиб, у ННТ ва бошқа фуқаролик институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг институцион базасини шакллантириш бўйича ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг ташкил қилиниши яна бир муҳим ҳодиса бўлди. У ҳар йили давлат бюджетини қабул қилиш жараёнида ажратиладиган ва унда алоҳида сатрда қайд этиладиган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Жамоат фонди томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида ўтган даврда 37,7 миллиард сўм ажратилган.

— Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга оид қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Мамлакатимизда фуқаролик институтларини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги ҳам фаол иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва 2010 йил ноябрда парламент томонидан қўллаб-қувватланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу йўналишдаги ишларни фаоллаштиришга туртки бериб, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кўлами, уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Хусусан, Концепцияни амалга ошириш доирасида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун маҳаллани аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, жойларда ижтимоий дастурларни амалга оширишда унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимида маҳалланинг вазифаларини янада кенгайтиришга йўналтирилган.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат экологик назоратни, мамлакатимиз ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир вазият мониторингини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтлари иштирокини янада фаоллаштиришга кўмаклашди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик институтларининг позициясини мустақамлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар

ва, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли қарорлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлайди.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳуқуқий такомиллаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинишидан аввал миллий қонунчилик давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга оширишнинг умумий асосларини назарда тутувчи 30 дан ортиқ қонун ва 100 дан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олар эди. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларда ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ҳамда ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қуришни назарда тутувчи қондалар мавжуд, бироқ бу шерикликни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир меъёрлар мурожаат

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 58-модда.

қилиш характерига эга.

Ҳокимият ва ННТнинг ўзаро алоқа шакллари, тамойиллари, механизмлари, шунингдек, икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи ягона кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши фуқаролик институтлари, ННТнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги самарали ва фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кенг ўрин берилган. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини сақлаш, баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар назарда тутилган.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳам мустақамланди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат ва жамиятнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда йўналтирадиган механизмларни яратади. Қонун мамлакатни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш, фуқаролик институтларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида юртимиз салоҳиятини ислохотларни амалга оширишга йўналтиришга шароит яратади. Зеро, барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш орқалигина асосий мақсадимиз — халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитлари яратиш ва ҳаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни эгаллашга эришиш мумкин.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим қарорнинг қабул қилиниши халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

лий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2014 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарор билан Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Қарорга асосан ННТларни рўйхатга олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳам қисқартирилиб, барча ҳужжатлар давлат тилида тақдим қилиниши белгилаб берилди, муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида бўлимларини ҳисобга қўйиш тартиби белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, номи зикр этилган Президент қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустақамланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юкланди.

Айни пайтда ушбу вазифалар ижроси изчиллик билан бажарилмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Жумладан, иш режасига асосан вазирлик томонидан давлат органлари фаолиятини ўрганиш ишлари амалга оширилиб, бу жараёнда улар томонидан нодавлат нотижорат органларининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларининг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда қонун доирасида фаолият юритиши учун кенг қўлламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини хорижий давлатлар билан қиёслаш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафас ва барқарорлигини намоён этмоқда. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилгани ва уларнинг замон талабларидан келиб чиқиб янгилаб, бойитиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш — юртимиз истиқболи, ёруғ келажаги йўлида изчил фаолият юритмоқда.

**ЎЗА МУХБИРИ
Норгул АБДУРАЙМОВА
суҳбатлашди**

Ogohlik

Бойлик ахтараман деб...

Фаровон ҳаёт кечириш, маҳалла-қўйдан, ёру биродарлардан кам бўлмай яшаш истаги ҳар бир инсонга хос. Лекин ана шу истакни амалга ошириш учун ҳар ким ҳар хил йўлни танлайди. Кимдир ҳалол меҳнат билан тоғанига шукр айтиб, бирини ўн қилишга интилса, кимдир босар-тусарини билмай, тезроқ мўмай даромадга эга бўлиш мақсадида ўзини ўтга-чўққа уради. Яна бир тоифа кимсалар эса, бировларнинг меҳнати орқасидан яшайди, пул топади, бойлик орттиради. Бу йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто одамларни сотиб кетишдан ҳам тоймайди...

Одам савдоси бугунги кунда бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган муаммолардан бири. Шунинг учун барча мамлакатларда, жумладан, республикамизда ҳам унга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Барча туман ва шаҳарларда одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ташкил этилиб, дастур асосида фаолият кўрсатилди.

Чилонзор туманида ҳам аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг нолегал миграциясининг салбий оқибатларининг олдини олиш юзасидан зарур тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ва «Нуроний» жамғармаси, ички ишлар бошқармаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлиги-

да ноқонуний миграцияга қарши курашиш юзасидан турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ёшлар ўртасида хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар ташкил этилмоқда.

— Тумандаги мавжуд 48та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар тўғрисида маълумотлар йиғиб бориляпти, — дейди Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайё Саидкромов. — Натижада туманимизда жорий йилда 3791 нафар фуқаро хорижга кетгани аниқланди. Туман ИИБ назорати томонидан уларнинг яшаш манзилдан узоқ муддатга чиқиб кетиш сабаблари,

ҳозир қаердалиги, қандай иш билан машғуллигига доир маълумотлар тўпланяпти. Турли жинсий мақсадларда фойдаланиш учун фуқароларни хорижга олиб чиқиб кетиш билан шуғулланаётган шахслар, жинсий гуруҳлар, уларнинг раҳнамоларини аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда қатъий чоралар кўрилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идоралараро комиссияси олиб бораётган ибратли ишлардан яна бири туман ҳудудида янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилаятган.

Ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли жорий йилнинг ўзида одам савдосидан жабр кўрган, бошқа давлатлардан депортация қилинган кўплаб юртдошларимиз иш билан таъминланди.

Туманнинг 6-мавзесида истиқомат қилувчи, 1988 йил туғилган Г.Борисова одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарлардан жабр кўрганлардан бири. У 2008 йил ноябрь ойида кўпроқ пул топиш мақсадида Украинага йўл олади. У ерда фирибгарлар қўлига тушиб, аввал Туркия, кейин Покистондаги жангарилар қароргоҳига юборилади.

— У ерда кўрган азобларим ҳақида эслашни ҳам, сўзлашни ҳам хоҳламайман, — дейди у. — Фақат бир нарсани айтишим мумкинки, бу дунёда инсон қиёфасидаги ваҳшийлар борлигини ўз кўзим билан кўрдим. Менга ўхшаб алданиб, турли мамлакатлардан олиб келинган қиз-жувонлар кўп эди. Қийноқ, азоблардан туғилганига ҳам минг пушаймон бўласан киши. 2013 йил декабрда қароргоҳдан қочиб Покистондаги Ўзбекистон элчихонасининг ёрдами билан юртимизга қайтиб келдим. Тўғриси айтсам, шундай осойишта юртимизни, оға-инимдек меҳрибон ҳамюртларимнинг қадрига етмаганимдан афсусланаман. Ҳеч ким қилган хатоларимни юзимга солгани йўқ. Аксинча, ўтган воқеаларни унутишга, соғлом ҳаётга қайтишимга юртдошларим имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла фуқаролар йиғинининг ёрдами билан тиббий кўридан ўтдим. Хомиладор бўлиб қайтиб келганим учун гинекология бўлимига рўйхатга олишди. Бундан ташқари, бепул озиқ-овқат билан таъминландим, компьютер курсида ўқидим. Барча яхшиликлари учун ҳамюртларимдан умрбод миннатдорман.

Дарҳақиқат, хатога йўл

қўйиб, жабр кўрган ҳамюртларимизга ҳеч ким маломат кўзи билан қарагани йўқ. Аксинча, уларнинг ўксик кўнглини кўтаришга, ҳар тарафлама ёрдам беришга ҳаракат қилинапти.

— Туман бўйича бандлик дастури доирасида жорий йилнинг июль ойига қадар 4579та янги иш ўрни яратилди. Бу туманда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ва ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг барча шакллари, жумладан, меҳнат шартномаси асосида касаначилар сафини кенгайтириш йўлида олиб борилаётган ишлар натижасидир. Мақсадимиз вақтинча ишсиз юртдошларимизни тўлиқ иш билан таъминлаш, бегона юртларда иш излаб сарсон бўлган яқинларимизга кўмаклашишдир, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Жасур Жўраев.

Дарҳақиқат инсонийлик, меҳр-оқибат халқимизга хос фазилат. Давлатимиз ҳеч бир фуқаросини бегоналарнинг «ҳиммат»ига муҳтож қилиб қўймайди.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Ilm sarhadlarida

Тарихчи-археолог Тўхташ Аннаев Сурхондарё ўзанида жойлашган Талитоғора ёдгорлигидан тритон хайкалини топди. Мазкур топилма оқ тошга ўйиб ишланган ярим одам, ярим от ва ярим балиқ кўринишида бўлиб, маҳаллий усталар томонидан юксак маҳорат билан ясалган.

Талитоғорадан топилган тритон

Ноёб топилма археологларнинг воҳага қизиқишини янада оширди. Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқот натижасида бу ерда ибодатхона қолдиқлари ҳамда кўплаб буюмлар топилди.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ археология соҳасига катта эътибор қаратила бошланди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Ғуломов номидаги Археология институти илмий ходими, археолог Тўхташ Аннаев. — Термиз давлат университети ҳамда Термиз археология музейи ходимларидан ташкил топган гуруҳимиз 2011 йилдан бошлаб Талитоғора археологик ёдгорлигида кенг кўламли тадқиқот ва археологик-қидирув ишларини олиб бормоқда. Ёдгорлик кучли мудофаа деворлари билан ўраб олинган квадрат шаклида, Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш жойида қад кўтарган сув маъбудига бағишлаб қурилган ибодатхона экани тахмин қилинмоқда.

Манбаларда айтилишича, Тритон юнон мифларидаги денгиз маъбуды Посейдоннинг ўғли. Кўпчилик олимлар фикрича, Марказий Осиё халқлари тарихида тритонларнинг пайдо бўлиши, юнон маданияти билан, яъни Александр Македонскийнинг Марказий Осиёга босқини ва икки маданият, юнонлар ва Марказий Осиё халқлари маданиятининг қўшилиши натижасида пайдо бўлган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Камалиддин Бехзоқ номидаги мемориал боғ-музейи. Соғлом бола йилга бағишлаган миниатюрачи расомлар Баҳоидир, Бехзоқ, Шерзоқ Ҳожиметовларнинг «Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами» номи оилавий кўргазмаси.

Баҳоидир Ҳожиметов — локли, панно, лаган, қутича, томошақовоқ, қоғоз, тери ва металл сиртига миниатюра ишлаш бўйича мутахассис. Ҳожиметовлар сулоласининг



ушбу кўргазмасида 80дан ортиқ миниатюра асари ўрин олган. Улардан «Камалиддин Бехзоқ», «Мирзо Улуғбек», «Навоий шеърляти», «Ов манзараси», «Бобур», «Шарқона тўй» ва «Менинг олашим» каби асарлари 2012 — 2014 йиллари локли панно ва лаганга ишланган.

Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» ғазалига учлик, «Доира ва томошақовоқлар», «Чингиз Аҳмаров» каби асарлари ҳам ўзининг ёрқин ранг чизгилари, жозибали композицион кўриниши билан ажралиб туради.

Рустам НАЗАРМАТОВ,
«Turkiston» фотомухбири



**ТИНЧЛИКНИНГ
РАНГИ**

Тинчликнинг ранги қандай,
Қизилми ё зарғалдоқ?
Яшилми у, сариқми,
Мовиймикан, балки оқ?

Дўстлигу садоқатдан
Бир чимдимдан оламиз.
Унга қўшиб меҳрни,
Бир идишга соламиз.

Ҳамма хуррам, барча шод,
Табассум билан қаранг.
Қаршингизда мавжланган,
Шудир асли тинчликранг.

МАҚСАД ҲАҚИДА

Оху тоғда сакрайди,
Уйда югурар укам.
Иккисининг фарқини
Сўрар кичик сингилчам.

Унга дейман: «Охулар
Интилар юксакларга.
Шундан ҳаяжон солар
Боқиши юракларга.

Иккиси ҳам югуриб,
Сакрайвериб тинмайди.
Кичик аканг нимага
Сакраятти, билмайди».

**Дилнавоз НАЖИМОВА,
ТКТИ қошидаги Чирчиқ академик
лицейи ўқувчиси**

ВАТАН

Томирларим таралган замин,
Киндик қоним тўқилган гўшам.
Бахтиёрман бугун бағрингда,
Қўлим етар қайга чўзсам ҳам.

Кўзларимда порлайди ғурур,
Пешонамда бахт лабин изи.
Олам узра ҳуш анқиб турар
Ноннинг иси, юртимнинг иси.

Бахтдан, орзулардан яралган
Кошонамсан, тахтимсан, Ватан.
Сендан бир зум айро кетмасман,
Тақдиримсан, бахтимсан, Ватан!

**Миролим ИСАЖОНОВ,
Андижон вилояти**

ҚУТЛУҒ ОШЁН

Аслида Ватан бу —
Қутлуғ ошёндр.
Ҳар битта гўшаси
Азиз макондир.

Тупроғин ўпаман
Босиб бағримга.
Минг шукр қиламан
Мен борлигига.

Унга бўлмоқчиман
Муносиб фарзанд.
Кўнглимнинг риштаси
Умрбод пайванд.

Юксакроқ кўтарай
Азиз байроғин.
Чамандек яшнатай
Унинг ҳар ёғин.

Дунёга танитай
Буюк номини.
Оқлагум албатта
Тузу номини.

Аслида Ватан бу —
Жон ичра жоним.

Кўксимда ғурурим,
Шарафим, шоним.

**Эъзоа АЛИМОВА,
ГулДУ қошидаги 1-академик
лицей ўқувчиси**

ЯХШИ ОДАМЛАР

Ёмонлик энгилар, «ёнғоқлари пуч»,
Яхшилик — зулматни даф этувчи куч.
У бизга ҳам қарзу, ҳам фарз ҳамда бурч,
Доимо бор бўлинг, яхши одамлар.

Яхшилар бор экан, яшайди жаҳон,
Яхшилар бор экан, олам чароғон.
Эзгулик бор экан, фароғатда жон,
Доимо бор бўлинг, яхши одамлар.

Ҳаётни зиёга тўлдириб яшанг,
Қалби маъюсларни кулдириб яшанг.
Бахтнинг борлигини билдириб яшанг,
Доимо бор бўлинг, яхши одамлар.

**Хумоюн СУВОНОВ,
СамДЧТИ қошидаги
1-академик лицей ўқувчиси**

ОНАЖОН

Она, сизга атаб шеър ёзай десам,
Ташбехлар тополмай ўйга толаман.
Сиздаги гўзаллик, самимиятти,
Шундайин, борица шеърга соламан.

Онажон, сиз кулинг — дунё кулади,
Заминда янграйди шодлик овози.
Сизнинг борлигингиз ўзи менга бахт,
Сиз ила жаранглар борлиқ овози.

**Дурдона КАРИМОВА,
НамДУ қошидаги 2-академик
лицей ўқувчиси**

Qalding' och

Yosh ijodkorlar sahifasi

Мақтабдан кела солиб, сўмканни айвон дўрчагига отаман-у, цўзоришимизга қараб югураман. Тулларнинг ранг-баранглигидан кўзим қаманиб кетади. Силмириб-силмириб нафас оламан. Бошим айланиб кетади. Капалаклар ортидан тинмай қувлайман. Зора тўтқиш берса. Тул баргларидаги тиллакўнглиларни тўтиб, шиша идишга бир-бир жойлайман. Овзини маҳкам беркийтиб, капалак овига шўнғиб кетаман. Идишимни капалак, тиллакўнгли, чўмоиларга тўлдириб, бобомнинг олдига югуртилайман. Капалаклар эса пийтир-пийтир қилиб, ташқарига талпинади. «Овора бўлманглар, барчангиз меники» дейман, олазрак кўзларим билан гўё шиша идишга синчиклаб қараган киши бўлиб.

Бобом эса лойдан ясалган пастаккина супага мук тушганча, варақлари сарғайиб кетган китобини ўқиш билан банд. Супамизнинг ёнида каттакон, танасидаги коваги қорамтир тус олган азим тут дарахти бор. Бобом мутолаасини тугатгач, ўша ковакка узоқ термилади. Мен ҳам бориб тикиламан-тикиламан, охири зеркиб, қўлимдаги идишни бобомга кўрсатиб мақтанаман. Бобом бошидаги дўпписини ёнига олиб, бошини сарак-сарак қилганча:

— Нега тирик жонни қийнайсан? Қарғишига қолиб кетасан-ку, бор, ундан кўра гулзорга қўйиб юбор, учиб-қўйиб

КЕКСАЙГАН ДУНЁ (Қатра)

яшасин, — дейди.

Бобомнинг беозоргина, майин товуш билан айтган танбехидан ийиб кетаман. Мен ҳам супага мук тушаман.

— Бобо, бобожон, капалакларнинг тили йўқ бўлса, қандай қилиб қарғайди?

— Забони бор, болам, бор. Биз эшитмасак ҳам қарғайди, қийнасақ, уволига қоламиз. Туттиб олган пайтингда уларнинг кўзларига яхшилаб разм

сол, кўзлари йиғлайди, юм-юм йиғлайди...

Бобомнинг гапларидан сўнг шиша идиш қопқоғини очиб, «ўлжа»ларимни озодликка чиқараман. Сўнг бобомнинг пинжиге суқиламан. Гулу райҳонларни яхши кўрадиган бобомнинг чопонидан хушбўй хид гуп этиб димоғимга урилади.

— Бобо, сиз нега доим шу сарғайган китобни ўқийсиз? Мен сизга

ўзимнинг янги-янги китобларимдан берайми?

— Эҳ, болам-а... Янги китоблар сен учун. Бу эса менга аталган. Бу дунё китоби — кексайган дунёники, Бедил китоби, қалб битиги...

— Бобо, дунё нима?
— Дунёми... Дунё мана шу тутнинг коваги...

Шундан бери тез-тез тутнинг ковагига термиладиган, у ҳақида ўйлайдиган бўлдим. Қизиқ, шунча одамлар, шунча иморатлар тутнинг ковагига қандай сарғаркан? Мактабимизчи?! Доим шу ҳақида ўйлайман...

**Чарос
НИЗОМИДДИНОВА
Фарғона вилояти**



Аббос Тўраев. «Учар гилам».

Ёш истеъдодли мусаввир Аббос Тўраев 2004 йилда Тошкент шаҳрида тузилган. Айти пайтда Учтепа туманидаги Республика тасвирий-амалий санъат лицей-интернатида таҳсил олмоқда.



«Қор завқи».

Davlat mukofoti sohiblari

АУДИТОРИЯ — СЕХРЛИ МАЙДОН

Қандай қилсам, дарс самарали ўтади? Нима қилсам, ўқувчи дарсга қизиқиб қиради? Ўқувчиларнинг дарсни мустақамлаб бориши учун қандай усуллардан фойдалансам экан? Барча илмий, таълимий журналларда фанга оид яна қандай янгиликлар бор? Математикани ҳаётининг бир бўлаги деб билувчи, шогирдларини жамиятнинг, халқнинг бўлажак суянчи деб тасаввур қилувчи Омонкелди Ҳайдаров йигирми йилдирки, ўзига ана шундай саволлар бериши одатий ҳолга айланган.

Яқинда унинг Президенти Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланиши қувончли воқеа бўлди. Омонкелди Ҳайдаров фаолият юритаётган даргоҳ — Фалларол туманидаги «Гулистон» қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи жамоаси бу хушxabарни кўтаринкилик билан қарши олди.

Коллеж раҳбари Фарҳод Усмоновнинг айтишича, айна пайтда информатика ва аниқ фанлар кафедрасида хизмат қилиб келаётган Омонкелди ака ҳамкасбларига меҳрибон, маслаҳатчи, керак пайтда ёрдамни аямайдиган, камтарин инсон. Ўқитувчилар билан дарс ўтишининг ноанъанавий усуллари, замонавий ахборот технологиялари, янги инновацион педагогик технологиялар устида ишлайди. Булар

дан фойдаланган ҳолда дарс ишланмалари, услубий қўлланмалар тайёрлайди. Энг асосийси, улардан дарсда мунтазам фойдаланишни йўлга қўйган.

Мактабдаёқ математикага қизиққан, педагог касбига меҳр қўйган Омонкелди Ҳайдаров 1988 йили Самарқанд давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда малакали устозлардан билим олди. Ўқишни битиргач, университетда ишлаб қолишни тавсия қилган устозларининг гапига қарамай, ўзи тугилиб ўсган туманда ишлашни ният қилган Омонкелди ака 1994 йили қўшни Авлиё қишлоғидаги 33-мактабда иш бошлади. Бир йил ўтиб, туманда 2-иктидорли болалар мактаби ташкил этилгач,

унинг педагогик салоҳияти юқорилигини билган мактаб директори қўярда-қўймай ишга тақлиф қилди. Бу мактабдаги ўн беш йиллик ҳаёти ҳам жуда мазмунли кечди. Иқтидорли болалар билан ишлаш унга илҳом бағишлади. Ютуқлар, қувончлар, ўқувчиларнинг интилишини кўрганда пайдо бўладиган ўзгача туйғулар, ҳамма-ҳаммаси уни тинмай меҳнат қилишга ундади. Туман, вилоят фан олимпиадаларида шогирдларининг ғолибликка эришиши кутилмаган натижа эмас, кутилган натижага айлиниб қолди, десақ муболага бўлмайди. Ўша даврда ўқувчилари республика фан олимпиадаларида ўрин олмаган бўлса ҳам, ўзининг фаол ва билимдон эканини намоён этиб қайтарди. Ҳозир улар турли нуфузли олий таълим муассасаларини битириб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Беш йилдирки, коллежда ҳам ана шу муҳит ҳукмрон. Ўқувчилар Омонкелди муаллимнинг дарсларига қизиқиб қиради. Улар орасидан устозга маъқул бўлганлари туман, вилоят фан олимпиадаларида фахрли ўрин-

ларни олиб, республика босқичида қатнашиб келмоқда. Охирги уч йилда республика фан олимпиадасида ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлган шогирдларидан Жаҳонгир Дўскулов Жиззах давлат педагогика институтида, Мамадиёр Дўскулов Жиззах политехника институтида, Муҳиддин Бектемиров Тошкент ислом университети халқаро иқтисодий алоқалар факультетида тахсил олмоқда. Улар бу таълим масканларига юқори балл билан тест синовидан ўтиб ўқишга кирган.

— Коллеждаги ёш ўқитувчилар ҳам бу кишига ҳавас қилади. Шу боис улар устознинг ўқитувчилиқ сир-асрорларидан воқиф бўлишга ҳаракат қилади. Омонкелди ака қайсики ишга сидқидилдан киришса, меҳнати самарасиз кетмаган. Ўқувчилар ҳар доим унинг ишончини оқлаган, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Собир Ражабов. — Жамоада уни ҳурмат қилишади. Ўқувчиларга ҳам меҳрибон, ҳам талабчан. Кўча-кўйда уни кўриб, гаплашган инсон олдида ўзини оддий тутади. Лекин дарсга кирганда, бошқа-

ча одамга айланади — ҳақиқий ўқитувчи қиёфасига қиради. Аудитория сеҳрли майдонга айланади. Ўқувчилар ҳам сеҳрлангандек дарснинг навбатдаги мавзусига қулоқ тутади...

Айтайлик, Омонкелди аканинг дарсига кириб қолдингиз. Навбатчи ўқувчи қопча ичидан рақамланган ёғоч шарчалардан бирини олиб, чиққан рақамни эълон қилаётган бўлади. Шунда ўзига тегишли рақамни эшитган ўқувчи ўтилган мавзунинг бу ноанъанавий усули жуда самарали эканига амин бўласиз. Чунки бу усул ўқувчининг доимо дарсга тайёр бўлиб туришини таъминлайди. «Менга тегишли рақам чиқиб қолиши мумкин. Дарсга тайёргарлик кўрай» дея ҳар куни ўйлайди ўқувчи. Омонкелди аканинг «Геометрик масалаларни ечишда тенгсизликлардан фойдаланиш» мавзусидаги услубий қўлланмаси ҳозир жуда самара беряпти. Устознинг бу қўлланмани вилоятдаги коллежларда ҳам оммалаштириш нияти бор.

Бир куни Омонкелди ака ўттиз-қирқ чоғли журнални макулатурага топ-

ширгани кетаётган танишини кўриб қолди. Қўлидаги журналларга эътибор бериб қараса — математикага оид илмий-педагогик журнал. Математикадан дарс берган танишининг раҳматли отаси ишлаган даврида уйда бундай журналлар анча-мунча йиғилиб қолган экан. Хуллас, бу журналлар макулатурадан эмас, Омонкелди аканинг уйдан жой олди.

— Айна пайтда нашр этиладиган журналлардан ҳам фойдаланаман, — дейди О.Ҳайдаров. — Ўқувчига дарс беришда фақат дарслик билан чегараланиб қолмаслик керак. Ўқувчи онги ривожланишга мойил. У янгиликлардан ҳам бохабар бўлиб бормоғи керак. Шу боис фанга оид нашрлар ҳам менинг доимий ҳамроҳимга айланган.

Омонкелди Ҳайдаров фақат ишда эмас, оилада ҳам талабчан. Уч ўғли — Дилшод ўзи ишлаётган коллежда, Шухрат ва Сардор мактабда аъло баҳоларга ўқимоқда. Орамизда шундай инсонлар борлиги бошқаларни ҳам яхши ўқишга, ишлашга ундайди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

АБУ АЛИ ИБН СИНО МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуг зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратган. Улар тиббиёт ва фалсафа, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу асар орқали буюк олим амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усуллари асос солган. Бу асар қарийб 500 йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўқиб-ўрганиб келинган.

Дарҳақиқат, Ибн Сино бутун дунё эътироф этган буюк даҳадир. Уйғониш даврининг улкан вакили Дантенинг «Илоҳий комедия» асарига чизилган суратда Ибн Сино Авиценна номи билан Гиппократ ва Галлен билан ёнма-ён бирга тасвирланган. Ватандошларимизга ғурур уйғотадиган алоҳида жиҳати шундаки, Ибн Сино уларнинг ўртасида бошида тож кийган ҳолда тасвирланган. Демак, уни даҳоларнинг даҳоси, деб билишган. Ўтган асрда янги кашф этилган юлдузлардан бирига фалакиётшунослар томонидан Абу Али ибн Сино номи берилгани ҳам бежиз эмас.

Конференцияда Абу Али ибн Сионинг бой илмий ме-



ЎЗА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

роси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

— Ўзбекистон замини қадимий меросга гоят бой, — деди ЮНЕСКО фахрийси Майкл Бари Лейн. — Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ана шу бебаҳо бойликлар — тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, улуг алломалар меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улуг сиймолар ҳақида гап кетар экан, албатта, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино номини тилга олмай ўтолмаймиз. Зеро, унинг асарлари бутун башарият маънавий мулкидир. ЮНЕСКО унинг номи билан Халқаро олтин медал таъсис этгани бежиз эмас.

— Абу Али ибн Сино IX-X асрларда фаолият кўрсатган Маъмур академиясини ташкил этишда Абу Райҳон Берунийга катта ёрдам бергани тарихдан яхши маълум, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали профессори Бахтиёр Дўсчанов. — Мазкур академия олимнинг илмий фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Беш жилдан иборат машҳур «Тиб қонунлари» асарининг икки китобини айнан шу ерда ниҳоясига етказган.

«Тиб қонунлари»да касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, соғлом турмуш тарзи, оддий дори ва уларнинг таъсири, бош мия, ички ва ҳаракат аъзолари, безлар ҳолатлари, касалликнинг оғир

кечиши сабаблари, юқумли хасталиклар, ўсмалар, яллиғланишлар, бўгин ва суяклардаги оғриқлар, дори турлари ва уларнинг тайёрланиши, шифобахш хусусиятлари атрофича ёритилган берилган.

Анжуманда Абу Али ибн Сино таълимотининг бугунги замонавий тиббиётдаги ўрни, олимнинг жигар касалликлари, гематология, халқ табobati, жарроҳлик борасидаги қарашлари, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ мавзулар атрофича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси, профессор Ш.Зокирхўжаев, Тошкент тиббиёт академияси профессори С.Аслонова ва бошқаларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

— Президентимиз шу йил май ойида Самарқандда ўтган халқаро конференциядаги маърузасида ёшларга қарата «Буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак. Айна пайтда фақат ғурурланишининг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам улар каби мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!», деган даъватлари бизга куч бағишламоқда, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти магистранти Равшан Боймуродов. — Мен бугунги кунда буюк бобомиз асарларида илгари сурилган узоқ умр кўриш — герантология йўналишида изланиш олиб бормоқдаман. Улуг аллома асарларини ўқир эканмиз, инсон ҳаётида соғлом турмуш тарзи нақадар муҳим эка-

ни ҳақидаги фикрлари ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб қолишига ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳа, инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаоллиги, жамият ва оилага нечоғли наф келтириши аввало саломатлиги билан боғлиқ. Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, соҳани такомиллаштириш, шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ибн Сионинг бой меросини ўрганишда Европанинг кўплаб мамлакатларида катта тажриба тўпланган, — дейди Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Ш.Зокирхўжаев. — Биз бу борада Франция ва бошқа давлатлардаги ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шарқ мамлакатлари билан амалий алоқаларимиз ҳам ривожланиб бормоқда.

Конференция иштирокчилари Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи фавворалар хиёбони очилишида қатнашди. Аллома таваллуд топган Пешку тумани Афсона қишлоғидаги тиббиёт касб-хунар коллежиде яратилган шароитлар ҳамда бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи музей билан танишди.

Конференцияда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

Sport

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ
ҲИНДИСТОНДА

6 ноябрь куни Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида шахмат бўйича 14, 16, 18 ёшли ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Унда мамлакатимиз шарафини ўн беш нафар спортчи ҳимоя қилмоқда.

Терма жамоамиз таркибида Нодирбек Ёқуббоев, Элбек Жуманов, Ортиқ Нигматов, Жавоҳир

Синдоров, Моҳинур Қахрамонова, Нилуфар Ёқуббоева сингари истеъдодли шахматчилар бор.

Қитъа чемпионатида қирққа яқин давлат спортчилари иштирок этмоқда.

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИДА
МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

Наманган шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 100 нафардан зиёд спортчи 14 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Умумжамоа ҳисобида мезбонлар — наманганлик спортчилар биринчи ўринни эгаллади.

Қорақалпоғистон Республикаси жамоасига иккинчи, самарқандликларга учинчи ўрин насиб этди.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗНИНГ
ШАШТИ БАЛАНД

Шу кунларда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси пойтахтимизда навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаяпти.

Баҳодир Аҳмедов бош мураббийлигидаги терма жамоа аъзолари 11 ноябргача Тошкентда бўлади ва шундан сўнг БААнинг Дубай шаҳрига жўнаб кетади.

Дубайда футболчиларимиз БАА терма жамоасига қарши 13 ва 14 ноябрь кунлари иккита ўртоқлик учрашувини ўтказди.

1 — 3 декабрь кунлари Тош-

кентда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь ва Қозғоғистон футбол терма жамоалари иштирокида халқаро мусобақа бўлиб ўтади. Тошкент ва Дубайдаги ўқув-машғулоти йиғинлари жамоамизнинг ушбу халқаро турнирга тайёргарлиги доирасида ташкил этилмоқда.

Фазлиддин ШУКУРОВ

Biznesga ilk qadam



Бухоро давлат университети талабаси Азамат Наимов умидли ёш тадбиркорлардан. Тенгдошимиз қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун экологик иссиқхона ташкил этишни мақсад қилган. Бундай объект йилнинг тўрт фаслида бир хил — қуёш энергияси ёрдамида иситилади, атроф-муҳитга зарари тегмайди, иқтисодий тежамкорлиги ҳам анча юқори.

Бу йил Азамат ўз бизнес режаси билан «Камолот» ЁИХнинг «Ёш тадбиркор — юртга мадақдор» республика танловида қатнашиб, ғолиб бўлди. Тез орада унга экологик иссиқхона қуриш учун «Ипотека банк»дан имтиёзли фоиз ставкасида 40 миллион сўм кредит ажратилди.

— Биринчи йил иссиқхонада помидор, бодринг ва кўкатлар етиштироқчимиз,

— дейди ёш тадбиркор. — Лойиҳа ишга тушгач, уч нафар коллеж битирувчисини доимий иш билан таъминлаймиз. Йиғим-терим даврида яна йигирма нафар кишини вақтинча ишга ёллаш имкони бўлади. Кейинчалик иссиқхона хўжалигини кенгайтириб, лимонария ва қишқи узумзор ташкил этиш ниятимиз бор.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Ижодкорнинг тухораси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Хўжайли туманидаги 1-меҳрибонлик уйида учрашув ўтказди.

Унда тарбияланувчилар хунарманд Олима Раметуллаеванинг ижодий ишлари билан та-

нишди. — Бир неча йиллардан буён ёшларга халқ амалий санъати сирла-

рини ўргатиб келяпман, — дейди Олима Раметуллаева. — Бугунги авлод вакилларида маданий меросимизга бўлган ҳурмат туйғусини шакллантириш жуда муҳим. Учрашув давомида миллий услубда тиккан либосларимни болалар

этиборига ҳавола этдик. Баъзиларини меҳрибонлик уйига тухфа қилиб қолдириямиз.

Тадбир сўнигида болажонлар меҳмонларга ўзлари тайёрлаган концерт дастурини тақдим этди.

Озода РЎЗИМОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Одатда кўп гол урадиган ёки ҳужумкор ўйин намойиши этадиганлар — ҳужумчилар ва яримҳимоячилар энг яхши футболчи сифатида эътироф этилади. Бу жаҳон ва миллий футболимиз тарихида кўп учрайдиган ҳолатдир. Жаҳоннинг (2009 йилгача фақат Европанинг) энг яхши футболчисига бериладиган «Олтин тўп» соврини фақат бир марта дарвозабонга насиб этган, ўша оламшумул воқеага ҳам элик йилдан ошди. Ўзбекистонда ҳам асосан майдон марказида ёки олдинги чизиқда тўп сурадиганлар йил якунида лауреат бўлган. Фақат бир дарвозабонгина икки марта мамлакатимизнинг энг кучли футболчиси сифатида эътироф этилган. Айтинг-чи, у ким?

Жавобингизни **11 ноябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Нақши жаҳон.

Қорақўл туманидан Дилшод Тўймуродов тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур уммонидан бир қатра

Оқил кишилар дўст билан душманни, душман билан дўстни алмаштирамайди.

Абдураззоқ Самарқандий

Bilasizmi?

ДИҚҚАТ! ДУБЛ!

1895 йилнинг 28 декабрида парижлик ака-ўка Люмьерлар узок изланишдан сўнг кинони иختиро қилди. Бу нафақат Франция ёки Европа, балки бүгун жаҳон тарихида муҳим воқеа бўлиб қолди.

Илк сюжетли фильм 1903 йилда яратилган. «Поезднинг ўмарилиши» деб номланган ушбу фильм катта шов-шувга сабаб бўлган. У қоронғилаштирилган чодирда номойиш этилган. Қизиғи шундаки, фильмни томоша қилганлар поезд бостириб келяпти деб ўйлаб, залдан

қочиб кетган.

Биринчи ўзбек фильми эса 1897 йилда пойтахтимиздаги «Эски жўва» майдонида намойиш этилган. 1937 йилда эса «Қасам» номли илк ўзбек овозли фильми суратга олинди. Кейинчалик «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра», «Алишер

Навоий», «Бой ила хизматчи», «Шоҳи сўзана» каби бадиий фильмлар экран юзини кўрди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА
тайёрлади.